

аро қўшма ижтимоий-иқтисодий ривожланти- қаларда самарали фойдаланишни таъминлаш.
риш дастурлари орқали ортда қолаётган минта

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. – Ташкент: IQTISOD-MOLIYA, 2005. С. 198 – 201.
3. Марголин А. М. Экономическая оценка инвестиций. – М., 2001. С. 357–359.
4. Трухин С.А. Оценка инвестиционной привлекательности и инновационного потенциала региона (на примере Алтайского края) // Ползуновский Вестник. 2006. № 3-1. – С. 200–203.
5. Деньгин Д.Д. Региональный инвестиционный потенциал: пути изучения и проблемы использования. // Экономический журнал. 2009. Т. 16. № 2. С. 50–56.
6. Carmen Guadalupe Juárez Rivera, Gerardo Ángeles Castro Foreign direct investment in Mexico Determinants and its effect on income inequality. // Contaduría y Administración. 2013. Vol. 58. № 4. P. 201–222.
7. Armstrong H., Taylor J. Regional Economic Policy. 3 ed. (1-ed. Philip Allan, Oxford, 1978) — Wiley-Blackwell, 2000, 437 p.
8. Head K.C., Mayer T. Market potential and the location of Japanese investment in the European Union // Review of Economics and Statistics. 2004. Vol. 86. № 4. P. 959–972.
9. Ohotina A., Lavrinenko O. Education of Employees and Investment Climate of the Region: The View of the Heads of Enterprises // Procedia – Social and Behavioral Sciences. 2015. Vol. 174. P. 3873–3877. doi: 10.1016/j.sbspro.2015.01.1127
10. Radukić S., Stanković Jo. Evaluation of Local Business Environment in The Republic of Serbia. // Procedia Economics and Finance. 2015. Vol. 19. P. 353–363.



**ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАШДА МЕҲНАТ СТАЖИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ПЕНСИЯ
ЁШИНИ БЕЛГИЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Турсунов Жаҳонгир Пулатович -

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси доценти, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a39

Аннотация. Мазкур мақолада меҳнат (суғурта) стажи, унинг моҳияти ҳамда пенсия ҳисоблашда ўзига хос аҳамияти ёритилган. Пенсия ёши ҳам таҳлил қилинган ва МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи ва пенсия ёши кўриб чиқилган. Шунингдек мазкур давлатларда доимий аҳоли сонининг ўзгариш тендецияси таҳлил қилинган. Энг кам талаб этиладиган меҳнат (суғурта) стажи ва пенсия ёшини қандай қилиб ошириш мумкинлиги борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: пенсия таъминоти, меҳнат стажи, пенсия тизими, пенсия суғуртаси, нодавлат пенсия фондлари, камбағаллик, давлат пенсиялари, пенсия ёши, нафақалар, ўртача умр кўриши ёши, минимал меҳнат стажи, доимий аҳоли сони, пенсия ислохотлари

**ВЛИЯНИЕ СТАЖА РАБОТЫ НА НАЧИСЛЕНИЕ ПЕНСИИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ
ОПЫТ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПЕНСИОННОГО ВОЗРАСТА**

Турсунов Жаҳонгир Пулатович -

доцент, PhD Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье описывается трудовой стаж (страховой), его сущность и особое значение при начислении пенсии. Также проанализирован пенсионный возраст, рассмотрен минимальный стаж и пенсионный возраст, необходимые для назначения пенсии по возрасту в странах СНГ, Грузии и Балтии. Также была проанализирована тенденция изменения постоянного населения в этих странах. Разработаны предложения и рекомендации по увеличению минимально необходимого стажа (страхового) и пенсионного возраста.

Ключевые слова: пенсионное обеспечение, трудовой стаж, пенсионная система, пенсионное страхование, негосударственные пенсионные фонды, бедность, государственные пенсии, пенсионный возраст, пособия, продолжительность жизни, минимальный трудовой стаж, постоянное население, пенсионная реформа

INFLUENCE OF WORK EXPERIENCE ON PENSION CALCULATION AND FOREIGN EXPERIENCE IN DETERMINING THE PENSION AGE

Tursunov Jakhongir Pulatovich -
PhD. The Banking and finance
academy Republic of Uzbekistan

Abstract. This article describes the length of service (insurance), its essence and special significance in calculating a pension. The retirement age is also analyzed, the minimum length of service and the retirement age necessary for assigning an old-age pension in the CIS countries, Georgia and the Baltic States are considered. The trend of change in the resident population in these countries was also analyzed. Proposals and recommendations have been developed to increase the minimum required length of service (insurance) and retirement age.

Keywords: pension provision, length of service, pension system, pension insurance, non-state pension funds, poverty, state pensions, retirement age, benefits, life expectancy, minimum length of service, permanent population, pension reform

Кириш. Ўзининг миллий пенсия тизимига эга бўлган ҳар қандай давлатда пенсиялар миқдорини изчил ошириб бориш, ҳисобланадиган пенсияларнинг миқдорига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан доимий ислоҳотлар амалга ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида асосан тасдиқланган тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи йўналишида белгиланган “54 мақсад – пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, бунда фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилган”[1].

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида турлича пенсия таъминоти моделлари амал қилади. Ўзбекистонда авлодлар бирдамлигига асосланган тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари фаолият кўрсатади. Аслида жамғариб бориладиган пенсия тақсимланувчи пенсия тизимини тўлдириб тўрсада амалда бу жараён натижа бераётгани йўқ. Бу эса пенсия тизимини ислоҳ этишда хориж тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Пенсияларни ҳисоблашда меҳнат стажига эътибор қаратиш ва пенсия ёшини белгилаш бўйича мамлакатга хос ва мос бўлган хориж тажрибаларини ўрганиш ва амалда қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Кўплаб давлатларда пенсия тўлашда пенсия ёшига эътибор қаратган бўлса, бошқа давлатларда меҳнат стажига жиддий эътибор беришади. Мазкур мақолада ушбу ҳолатларни ифодаловчи миллий пенсия тизимига ухшаш бир нечта давлатлар пенсия тизимларини кўриб чиқамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Меҳнат стаж ва пенсия ёши пенсия таъминотининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Бу эса пенсия таъминоти бўйича тадқиқот олиб борган кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ўз

аксини топган. Жумладан россиялик олим В.Роикнинг илмий ишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда пенсия таъминотининг ўрни, пенсия суғуртаси, ижтимоий суғурта ва унинг молиявий-иқтисодий асослари, пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ масалалар, пенсияларни ҳисоблашда суғурта стажининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ижтимоий, тиббий ва пенсия суғуртасининг ҳал қилувчи аҳамият касб этиши асослаб берилган[2].

Г.Тетлоу ўзининг пенсия таъминоти бўйича тадқиқотида бугунги кунда пенсия тизимида ислоҳотлар нечоғлик зарур эканлигини, бунда пенсияга тўланадиган ўтказмаларни миқдорларини ошириш, кўпроқ нодавлат пенсия фондлари фаолиятига эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаган[3].

А.П.Шеметов ва С.Н.Орловларнинг илмий хулосаларига кўра, демографик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия таъминотининг янги тизимини яратиш ва унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги илгари сурилган. Олимларнинг фикрича, хориж тажрибаларига таяниб, пенсия таъминоти тизимининг алоҳида элементларини такомиллаштириш керак. Лекин, илмий тадқиқот ишларида пенсия ёши ва меҳнат стаж билан боғлиқ муносабатлар тўлиқ ёритилмаган[4].

Ш.Ражабовнинг пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишларига бағишланган диссертация ишида Ўзбекистонда нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек пенсия тайинлаш, тўлаш амалиёти кўриб чиқилган, Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган[5].

Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида тадқиқот ишида М.Зиядуллаев кўпроқ ёшга доир пенсияни ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш механизмларини ҳуқуқий тарафлама кўриб чиққан. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган энг кам меҳнат стаж чуқур таҳлил

қилинмаган, хориж тажрибаси тўлиқ ўрганилмаган[6].

Тадқиқот методологияси. Мақола мавзуси пенсия таъминоти тизимида меҳнат стажи ва пенсия ёшининг ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Илмий тадқиқот давомида аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Пенсия уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, ижтимоий таъминотнинг муҳим бир шакли бўлиб ҳисобланади. Шахсларга улар ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи юзага келганда кафолатланган ва юқори миқдорда пенсия тўлаш, шунингдек уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат олдидаги долзарб масала ҳисобланди.

Сўнгги йилларда пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси пенсия ва нафақа олувчиларни янада ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан характерланади. Ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самардорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида[7] мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўлаш белгиланди.

2022 йил 1 майдан бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилди[8]. Ўзбекистонда минимал пенсия миқдорини белгилашда минимал истеъмол харажатлари мезон сифатида олинди. Чунки жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан:

– давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига муҳтож аҳолининг мақсадли (таргет) гуруҳини аниқлаш;

– мамлакат камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш;

– камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, уларнинг мониторингини юритиш;

– пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмакларни кўрсатишда мезон сифатида фойдаланилади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришга кўра пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 бараваридан 12 бараварига оширилиши[9] белгиланди ва бу ўзгариш 2023 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

“Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) 2022 йилда сайёрадаги демографик ҳолатнинг ривожланиш прогнозлари тўғрисида Жаҳон аҳолисининг истиқболлари (World Population Prospects) бўйича ҳисоботини тақдим этди. Келтирилган маълумотларга кўра 2022 йилнинг 15 ноябрига қадар дунё аҳолиси 8 миллиардга етиши таъкидланган ва бу амалда ўз исботини топди. Шунингдек ҳисоботда дунё аҳолиси 1950 йилдан бери энг паст сўрғатларда ўсишига қарамасдан, 2030 йилда 8,5 миллиард ва 2050 йилга бориб 9,7 миллиардга етиши прогноз қилинмоқда. Аҳоли ўсишининг энг юқори чўққиси 2080 йилга бориб 10,4 миллиардга етиши ҳамда кейинги 20 йил давомида бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолиши айtilган”[10].

1-жадвал

МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида доимий аҳоли сонининг ўзгариши[11], минг нафар

№	Мамлакатлар	1992 й.	2021 й.	2021 й.да 1992 й.га нисбатан фоизда
1.	Тожикистон	5 556	9 891	78,0
2.	Ўзбекистон	21 608	35 266	63,2
3.	Қирғизистон	4 528	6 757	49,2
4.	Озарбайжон	7 440	10 156	36,5
5.	Қозоғистон	16 426	19 126	16,4
6.	Россия	148 300	145 864	-1,6
7.	Беларусия	10 235	9 452	-7,6
8.	Эстония	1 540	1 330	-13,6
9.	Арманистон	3 722	2 961	-20,4
10.	Литва	3 706	2 796	-24,5
11.	Латвия	2 586	1 875	-27,5
12.	Грузия	5 405	3 729	-31,0
13.	Молдавия	4 346	2 903	-33,2

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлса 1992-2021 йилларда Тожикистон (78 %), Ўзбекистон (63,2 %), Қирғизистон (49,2 %), Озарбайжон (36,5 %) ва Қозоғистон (16,4 %) давлатларида доимий аҳоли сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аҳолининг сезиларли равишда қисқариши Россия Федерациясида (2,4 млн. киши), Молдавия (1,4 млн. киши) ва Грузияда (1,7 млн. киши) кузатилган.

Аҳолининг ўсиши асосан тўғилиш ҳисоби-га Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўртача умр кўриш ёшининг ошиши ҳам аҳоли сонининг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда. БМТ прогнозларига кўра аср ўрталарига келиб ўртача умр кўриш ёши 77,2 йилгача ошади. 1990 йилдан 2019 йилгача эса 72,8 йил эди. Ҳозир бу кўрсаткич 71 йилни ташкил қилмоқда. 2019 йилдан кейинги даврда ўртача умр кўриш давомийлигининг қисқариши пандемия ҳамда дунёдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг беқарорлашиши билан изоҳланади. Ўртача умр кўриш давомийлигида эркеклар аёлларга нисбатан камроқ умр кўришади. Уларнинг ўртача умр кўриш ёши 68,4 йил бўлса, аёллар учун бу кўрсаткич 73,8 йилни ташкил қилади.

XXI асрнинг ўрталарига келиб дунё аҳолиси ўсишининг аксарияти 8 та давлат ҳиссасига тўғри келади, яъни булар Конго, Миср, Эфиопия, Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Филиппин ва Танзания давлатларидир.

Афсуски дунёда аҳоли сонининг кўпайиши, бунга мос равишда ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги келажакда пенсия тизимида янги хавотирларни келтириб чиқармоқда. Бу эса маълум бир ислохотларни амалга ошириш талабини қуймоқда. Жумладан пенсия ёшини ошириш, пенсияга чиқиш шартларини қайтадан кўриб чиқиш (пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал стажни ошириш, имтиёзларни қисқартириш, пенсияларни индексациялашни такомиллаштириш), давлат пенсия таъминоти тизими мавжуд давлатлар учун пенсия харажатларини қисқартириш, уч даражали пенсия тизимига ўтиш, жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Пенсияларни ҳисоблашда меҳнат стажини (суғурта стажини) муҳим аҳамиятга эга. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида янги таҳрирда қабул қилинган низомда “иш стажини – меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонунчиликка мувофиқ пенсия

таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги”[12]дир.

Махсус иш стажини деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонунчиликка мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти тушунилади.

МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажини ва пенсия ёши акс этган мазкур жадвалда акс этган давлатларда кўришимиз мумкинки пенсия таъминоти тизими бўйича кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан асосий ислохотлар ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажини оширишга ҳамда пенсия ёшини кўтаришга қаратилган. Эътиборли жиҳатини шундаки Озарбайжон (65 ёш), Арманистон (63 ёш), Қозоғистон (63 ёш), Латвия (65 ёш), Литва (65 ёш), Эстония (65 ёш), Молдавия (63 ёш) каби давлатлар пенсия ёшини эркеклар ва аёллар учун тенглаштириш бўйича ислохотлар олиб бормоқда.

Ўзбекистонда пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажини 7 йилни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Озарбайжонда 12 йил, Арманистонда 10 йил, Эстонияда 15 йил, Қозоғистонда эркеклар учун 25 йил, аёллар учун эса 20 йил этиб белгиланган. Шунингдек пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам меҳнат стажини ошириш бўйича Беларусия, Латвия (2025 йил 1 январгача босқичма-босқич 20 йилга ошириш), Россияда (2024 йил 1 январгача босқичма-босқич 15 йилга ошириш) ислохотлар амалга оширилмоқда. Грузия ва Туркманистонда талаб этиладиган меҳнат стажини энг кам муддат 5 йилни ташкил қилмоқда. Мазкур давлатлар асосан ислохотларни пенсия ёшини оширишга қаратган.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 102-сонли конвенциясида[14] пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган меҳнат стажини камида 15 йил бўлишлиги тавсия этилган. Мамлакатимизда ўртача умр кўриш ёшининг ошиши, яшаш турмуш тарзининг кундан кунга яхшиланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шунингдек тўлиқсиз пенсияга чиқувчиларнинг мурожаатлари йилдан йилга ошиб бораётганлиги ҳамда етарли бўлмаган меҳнат стажини билан пенсия тайинланиши пенсия миқдорига жиддий таъсир кўрсатаётганлигини ҳисобга олиб МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатлари тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда Ўзбекистонда ҳам пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажини 15 йилгача босқичма-босқич кўтариш мақсадга мувофиқ.

МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи ва пенсия ёши[13]

Мамлакат	Йиллар	Ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажи		Умумий тартибда пенсия ёши	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Озарбайжон	01.07.2022 дан 30.06.2023 гача 01.07.2023 дан 30.06.2024 гача 01.07.2024 дан 30.06.2025 гача 01.07.2025 дан 30.06.2026 гача 01.07.2026 дан бошлаб	Амалдаги қонунчиликка кўра фуқароларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи юзага келганда агарда суғурта стажи 25 йил бўлганда ёки суғурта стажи минимал пенсия капиталидан кам бўлмаганда тайинланади. Шунингдек зарарли ёки хавfli ишларда узоқ вақт ишлаганлар, кўп болали (5 нафар фарзанди бор) аёллар ҳам эрта пенсияга чиқиши мумкин. Минимал пенсия капитали = энг кам пенсия миқдори x 144 (12 йил x12 ой).		65 ёш	63 ёш 63 ёш 6 ой 64 ёш 64 ёш 6 ой 65 ёш
Арманистон		камида 10 йил	камида 10 йил	63 ёш	63 ёш
Беларусия	01.01.2023 дан 01.01.2024 дан 01.01.2025 дан		камида 19 йил камида 19 йил 6 ой камида 20 йил	63 ёш	58 ёш
Грузия		камида 5 йил	камида 5 йил	65 ёш	60 ёш
Қозоғистон	01.01.2023 дан 01.01.2024 дан 01.01.2025 дан 01.01.2026 дан 01.01.2027 дан	25 йил	20 йил	63 ёш	61 ёш 61 ёш 6 ой 62 ёш 62 ёш 6 ой 63 ёш
Қирғизистон		25 йил	20 йил	63 ёш	58 ёш
Латвия	01.01.2023 дан 01.01.2024 дан 01.01.2025 дан	15 йил	15 йил	64 йил 6 ой 64 йил 9 ой 65 ёш	
Литва	01.01.2023 дан 01.01.2024 дан 01.01.2025 дан 01.01.2026 дан	20 йил	20 йил	64 йил 6 ой 64 йил 8 ой 64 йил 10 ой 65 ёш	64 йил 64 йил 4 ой 64 йил 8 ой 65 ёш
Эстония	Туғилган йили (аёллар ва эркаклар) 1959 1960 1961	камида 15 йил	камида 15 йил	64 йил 6 ой 64 йил 9 ой 65 ёш	
Молдавия	Аёллар учун: 01.07.2022 дан 01.07.2023 дан 01.07.2024 дан 01.07.2025 дан 01.07.2026 дан 01.07.2027 дан 01.07.2028 дан	15 йил	15 йил	63 ёш	60 ёш 60 йил 6 ой 61 ёш 61 йил 6 ой 62 ёш 62 йил 6 ой 63 ёш
Россия	01.01.2023 дан 01.01.2024 дан		камида 14 йил камида 15 йил	65 ёш	60 ёш
Тожикистон		25 йил	20 йил	63 ёш	58 ёш
Туркменистон		камида 5 йил	камида 5 йил	62 ёш	57 ёш
Ўзбекистон		камида 7 йил	камида 7 йил	60 ёш	55 ёш

Пенсия ёшини таҳлил қиладиган бўлсак, пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, бугунги кунда дунёда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 65 ёшни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни (эркаклар учун – 60 ёш, аёллар учун – 55 ёш) ташкил қилади.

“Бугунги кунда МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида ёшга доир пенсияга чиқиш ёши, жумладан Озарбайжонда эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун 63 ёш (2026 йил 1 июлгача босқичма-босқич 65 ёшга етказиш), Арманистонда эркаклар ва аёллар учун 63 ёш, Беларусия, Қирғизистон, Тожикистонда эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 58 ёш, Грузияда эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун 60 ёш, Қозоғистонда эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 60 ёш (2027 йил 1 январгача босқичма-босқич 63 ёшга етказиш), Латвия ва Литвада эркаклар ва аёллар учун 65 ёшга етказиш, Молдавияда эркаклар ва аёллар учун 63 ёшга (2028 йил 1 июлга қадар) етказиш, Россияда эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун 60 ёш (2024 йил 1 январга қадар) ва Туркманистонда эркаклар учун 62 ёш, аёллар учун 57 ёшни ташкил қилмоқда”[13].

2022 йилгача МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида ўтказилган ва ҳозирда давом этаётган ислоҳотлар натижасида пенсия ёши ўртача эркаклар учун 60 ёшдан 65 ёшгача, аёллар учун эса 55 ёшдан 64 ёшгача оширилди.

Мазкур давлатлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак пенсия ёшини ошириш борасида биринчилардан бўлиб Литва (1995 йил), сўнгра Молдавия ва Қозоғистон (1998 йил), Арманистон ва Тожикистон (2001 йил), Озарбайжон (2010 йил), Украина (2011 йил), Беларусия, Россия ва Эстония (2017-2018 йиллар) давлатлари пенсия ислоҳотларини амалга оширишган.

Пенсиянинг миқдори ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини маълум бир маблағ билан таъминлаш, ижтимоий барқарорликка эришишга хизмат қилса, бошқа томондан пенсия ёшига етгунга қадар олган иш ҳақи миқдорига боғлиқ ҳисобланади. Пенсия миқдори иш ҳақи миқдорининг камида 40 фоизини қоплаш кераклиги ХМТнинг 102-сонли конвенциясида келтириб ўтилган. Буни бошқа адабиётларда қоплаш коэффициенти деб ҳам айтилади.

“Пенсияларнинг миқдорларини ошириш пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бир омили бўлиб, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. ЮНИСЕФ ҳисоботида Ўзбекистондаги кам таъминланган оилаларнинг ярмидан кўпи (52%) миллий ижтимоий ҳимоя

тизими томонидан ҳеч қандай кўмак билан қамраб олинмаган ва вақт ўтиши билан турли нафақаларнинг қамрови қисқаргани қайд этилган бўлиб, болали оилалар ҳам бугунги кунда аҳолининг энг камбағал қатламларига мансуб бўлиб қолган”[15].

Хулоса ва таклифлар. Пенсия таъминоти тизимида амалга ошириладиган ислоҳотлар негизида энг аввало фуқароларни камбағалликдан ҳимоя қилиш, кексаликда, пенсия ёшига етганда муносиб турмуш фаолиятини таъминлаш учун камида аввалги олган иш ҳақининг 40 фоизидан кам бўлмаган (ҳозирги кунда қоплаш коэффициенти 28-30 фоизни ташкил қилмоқда) миқдорда пенсия тайинлаш ва тўлаш, ўртача умр кўриш ёшининг ошишини ҳисобга олиб пенсия ёшини ошириш ва бошқа масалалар ётади.

Келажақда ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажи, пенсия ёшини ошириш ва пенсия тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

– пенсия тайинлаб мурожаат этувчиларнинг сони кўплиги, шунингдек уларнинг таркибида тўлиқсиз яъни етарли бўлмаган меҳнат (суғурта) стажи билан пенсияга чиқувчиларнинг улуши юқори эканлиги, МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатлари тажрибаларидан келиб чиқиб, ХМТнинг тавсиясига кўра ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат (суғурта) стажи 15 йил этиб белги-ланганлигини ҳисобга олиб Ўзбекистонда мазкур стажни 10 йилга ошириш ва келажақда 15 йилга етказиш мақсадга мувофиқ;

– доимий аҳоли сонининг 2021 йилда 1992 йилга нисбатан 63,2 фоизга ўсганлиги, пенсия ёшининг 1956 йилдан бери ўзгаришсиз келаётганлиги, ўртача умр кўриш ёшининг ошиши, МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия ёшини ошириш бўйича ислоҳотларининг натижаларини қўллаган ҳолда Ўзбекистонда ҳам пенсия ёшини эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 58 ёшга ҳар йили 6 ойга босқичма-босқич ошириш керак;

– халқаро тажрибада пенсия маблағлари маълум бир бадаллар ҳисобига шаклланади. Ўзбекистонда ҳам 2018 йилда бекор қилинган ишловчилар томонидан пенсия учун тўланган суғурта бадалларини яна кам фоизлар (2-3 фоиз) ҳисобига тўлаш механизмининг қайта жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса келажақда Пенсия жамғармаси маблағларининг тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони.

2. Роик В.Д. Пенсионное страхование и обеспечение: учебное пособие для вузов / 3-е изд., испр. и доп. – Москва : Издательство Юрайт, 2020. – 478 с.
3. Tetlow G. Essays on the economics of retirement and pensions. A dissertation submitted in partial fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy of University College London. – England: Department of Economics University College London. 2015. – 224 p.
4. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.
5. Ражабов Ш.У. “Пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари” мавзусида Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021 йил. 71 бет.
6. Зиядуллаев М.Д. “Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусида юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019 йил. 32 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 5597-сон фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-128-сон фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига ўз гартириш киритиш тўғрисида.
10. World Population Prospects-2022. World Population Prospects - Population Division - United Nations
11. Социальные показатели в странах СНГ, Грузии и Балтии за 1992 и 2021 годы. Международная ассоциация Пенсионных и социальных фондов. – Москва, 2022.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ВМҚ-592-сон қарори.
13. www.arsf.ru – Халқаро пенсия ва ижтимоий жамғармалар ассоциацияси (Международная ассоциация Пенсионных и социальных фондов) маълумотлари.
14. Халқаро меҳнат ташкилоти (Международной организации труда)нинг 1952 йил 4 июндаги “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” 102-сонли конвенцияси.
15. Давронов Ш.З. “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ташкил этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусида Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022 йил. 72 бет.



TO‘QIMACHILIK KORXONALARIDA LIZING MUNOSABATLARINI RIVOJLANTIRISH

Davlyatova Gulnora Muxammadjanovna -
Farg‘ona politexnika instituti,
Iqtisodiyot kafedrasida dotsenti

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a40](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a40)

Аннотация: Hozirgi davrda to‘qimachilik korxonalarining asosiy vazifalaridan biri yuqori qo‘shilgan qiymatga ega mahsulotlarni ishlab chiqarish hisoblanadi. Bu esa ishlab chiqarish jarayonlariga zamonaviy va ilg‘or texnika hamda texnologiyalarni kiritish masalasini obyektiv zarurat sifatida maydonga chiqaradi. Ushbu maqsadda yangi asosiy fondlar uchun investitsiyalar jalb qilinadi. Moliyaviy mablag‘larni, investitsiyalarni an‘anaviy manbalar bilan kiritishning yetarli emasligi sababli ushbu muammo yanada chuqurlashmoqda. Buning natijasida moliyalashtirishning yangi shakllarini joriy etish asosida uzoq muddatli investitsiyalarni jalb qilish ehtiyoji paydo bo‘lmoqda. Olib borilgan tadqiqotlar, jahon amaliyotida keng qo‘llanib kelayotgan lizingni to‘qimachilik korxonalarida investitsiya jarayonlarini faollashtirishga ta‘sir qiluvchi eng muhim vositalardan biri ekanligini ko‘rsatdi. Fan va texnika jadal rivojlanib borayotgan hozirgi sharoitda lizing tufayli korxonalar mashina va jihozlarni tez hamda investitsion xavf-xatarning minimal darajasi bilan almashtirish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Калит so‘zlar: lizing, lizing funksiyalari, lizingni ijtimoiy va siyosiy ahamiyati, amortizatsiya, tezlashgan amortizatsiya, moliyaviy lizing, operativ lizing, revolver lizing.

РАЗВИТИЕ ЛИЗИНГОВЫХ ОТНОШЕНИЙ НА ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Давлятова Гулнора Мухаммаджановна -
Ферганский политехнический институт,
доцент кафедры “Экономика”

Аннотация. В настоящее время одной из основных задач текстильных предприятий является производство продукции с высокой добавленной стоимостью. Это ставит вопрос о внедрении в производственные процессы современной и передовой техники и технологий как объективную необходимость. С этой целью будут привлечены инвестиции в новые основные средства. Эта проблема углубляется из-за недостаточного поступления финансовых средств, инвестиций с традиционными источниками. В результате этого возникает необходимость привлечения долгосрочных инвестиций на основе внедрения новых форм финансирования. Исследования показали, что лизинг, получивший широкое применение в мировой практике, является одним из важнейших инструментов, влияющих на активизацию инвестиционных процессов на текстильных предприятиях. В нынешних условиях, когда наука и техника стремительно развиваются, благодаря лизингу предприятия получают возможность быстро и с минимальным уровнем инвестиционного риска заменить машины и оборудование.

Ключевые слова: лизинг, функции лизинга, социально-политическое значение лизинга, амортизация, ускоренная амортизация, финансовый лизинг, операционный лизинг, револьверный лизинг.